



Куч-АДОЛАТДА

2010 йил,
4 ноябрь,
пайшанба
№ 44 (298)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.supcourt.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЁШ АВЛОД ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларида ноқ ҳар томонлама етук ёш авлодни шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг замонавий билим чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини намойиш этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда қабул қилинган қарори асосида тасдиқланган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Унда фарзандларимизни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашга қаратилган меъририй-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъририй ҳужжатларга замон талабларига мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси қўйилган. Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари муҳофазаси давлатимизнинг доимий эътиборида. Айни шу мақсадга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган ва такомиллаштириб борилмоқ-

да. Фарзандларимизнинг яхши шароитларда яшаши, ўқиши, илму хунар эгаллаши учун яратилаётган имкониятларга ҳавас қилса арзийди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида шу йил 29 сентябрда қабул қилинган «Вояга емаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, бунгача мазкур йўналишда яхлит қонун билан эмас, балки турли меъририй ҳужжатлар асосида фаолият олиб борилган. Нотинч оилалар ва тарбияси оғир болаларни турар-жайи бўйича аниқлаш, улар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этиш, болаларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилаётган

ни натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик сезиларли даражада камайган. Эндиликда янги қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини янада ошириш, болаларнинг гайриижтимоий ҳуқуқ-атворини эрта аниқлаш ва

бартараф этиш борасидаги тадбирлар самарадорлигини яхшилашга ҳуқуқий замин яратди. Чунки унда вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасалар, уларнинг асосий вазифалари, фаолият принциплари ва йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз молиявий тизимида бозор иқтисодиёти қонунларида мос равишда кредит муносабатлари шакллантирилди. Зеро, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий имкониятларини ривожлантиришда кредитдан фойдаланиши муҳим аҳамият касб этади. Кредит муносабатларида асосий таъминловчи воситалардан бири бўлган гаров аҳоли ва юридик шахсларнинг молиявий маблағларининг кредитга муҳтож ҳўжалик юртурувчи субъектлар ва фуқароларга эркин, фаол йўналтирилишини таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Гаров институтининг такомиллаштирилиши фуқаролик муносабатларини тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади

Айтиш керакки, гаровга қўювчи ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда гаровга олувчининг талабларини қондириш мақсадида гаров белгиланади. Бинобарин, гаров гаровга олувчига маблағларини ўз вақтида ва бошқа кредиторлардан олдин қайтариб олиш борасида имтиёз ҳуқуқини беради. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, гаров мавжуд бўлган мажбурият муносабатларида, аввало, гаровга олувчининг талаблари, ундан сўнг эса бошқа кредиторларнинг талаблари қондирилиши лозим. Гаровнинг афзал томонларидан яна бири шундаки, агар гаров билан таъминланган мажбуриятни қоплаш учун гаров суммаси етмаса, қолган суммани қарздорнинг бошқа мулклари ҳисобидан олиш учун имконият яратилади.

Таъкидлаш жоизки, республикаимизда гаров муносабатлари тобора ривожланиб бормоқда. Бинобарин, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш давр талабидир. Олий Мажлис Сенатининг III ялпи мажлисида қабул қилинган ва 2010 йилнинг 23 сентябрдан эътиборан қўлдан кичирган «Ўзбекистон Республи-

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар у қандай тартибда ундирилади?

Маълумки, фуқаролик қонунчилигида етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплашни назарда тутувчи меъёрлар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади. Шундай омилардан бири маънавий зарарни ундириш институтидир.

Авалло шунини айтиб ўтиш керакки, маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати (ёки ҳаракатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган маънавий ва жисмоний озор тушунилади. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1021 – 1022-моддаларида маънавий зарарни ундириши, унинг миқдори каби масалалар баён этилган. Унга қўра, агар маънавий зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошқинча ҳўманбаи томонидан етказилса, шунингдек, қонунга ҳилоф тарзда ҳўкми қилиш, жи-

ноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш натижасида, кадр-қимматини таҳқирловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, етказувчи томонидан қопланади. Маънавий зарарни қоплаш миқдорини жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий зарарнинг ҳусусиятига, шунингдек, айб товуни тўлағига асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд аниқлайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Маълумки, уй-жойдан фойдаланишнинг ҳам ўз тартиб-қондаси бор. Амалдаги қонунчилигимизда бу борада қатъий меъёрлар белгилаб қўйилган. Табиийки, ушбу қонун меъёрларига амал қилмаслик, ўзи билангана иш тутуш охир-оқибат ортиқча асабузарлик ва оворагарчиликка сабаб бўлади. Ана шундай ноқонуний ҳолатлар оқибатида узоқ йиллардан буён чўзилиб келаётган уй-жой билан боғлиқ бир низо яқинда судда қонуний ечимини топди.

Асоссиз даъво у фақат оворагарчиликка сабаб бўлади

Турдимурод ота Дўстмуродов тумандаги «Бройлер» паррандачилик фирмасида узоқ йиллар ҳолол меҳнат қилиб, жамоадошлари ўртасида обрў-эътибор қозонган. Отанин розилиги билан ушбу уйда Маҳматқобил Дўстмуродов оиласи билан яшай бошлади. Албатта, қорхона мутасаддиларининг ҳиммати ҳамда оила аъзоларининг аҳилигига ҳавас қилса, арзийди. Чунки ана шу ҳиммат туфайли М.Дўстмуродов уйли-жойли бўлди. Афсуски, одамнинг олеси ичида

бўлади, дегани рост экан. Чунки уқасининг уйли бўлганига гайрлиги келган Маҳмуд Дўстмуродовнинг охир-оқибат нияти бузилади. У 1992 йилдан эътиборан уй-жойларни ҳусусийлаштириш жараёни бошланганда, уқаси Маҳматмуроддан 17 минг сўм маблағни санаб олади-да, унинг ишончини топтаб, уй-жойни турмуш ўртоғи Давлатой Рўзиеванинг номига расмийлаштиради. Шунинг натижасида Д.Рўзиева орадан бир неча йил ўтгач, Қашқадарё вилояти Давлат мулки бошқармаси ҳузурдаги «Ҳўжалик ҳисобидидаги уй-жой фондини ҳусусийлаштириш» Давлат унитар қорхонаси билан олди-соти шартномасига асосан, уй-жойга эғалик ҳуқуқини тасдиқловчи ордерни қўлга киритади.

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқий муҳофазаси қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсади халқимизнинг турмуш даражасини янада юксалтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа манфаатларини янада самаралироқ

таъминлашга қаратилгани ва амалда ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида ҳам ушбу йўналишда юртимизда амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил этилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islahot va samara

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич равишда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — суд ҳокимиятини фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи мустақил ҳокимият сифатида шаклланишига эришишга қаратилган. Шу боис ҳам, юртимизда суд тизимининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш ва либераллаштиришга, судларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтириш, уларнинг роли ва таъсирини оширишга, бир сўз билан айтганда, жамиятда суд назорати институтини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Шарафли касб масъулияти

Айтиш жоизки, юртимизда судларнинг иқтисослашуви жорий этилиши билан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустақамланганлиги бу йўналишдаги демократик ўзгаришларнинг асосий омилларидан бири бўлди. Даржаикат, олди судловни амалга ошириш вазифаси суд идоралари томонидан бажариш экан, авваломбор, ана шу соҳада хизмат қилувчи судьялар масъулиятини, уларнинг назарий ва амалий билимларини, малака ҳамда касб маҳоратини ошириш, судьялик захирасини нуносиб номзодлар асосида шакллантириш, энг муҳими, суд тизимини ҳуқуқий онги етук, замонавий фикрлайдиган ва ишлайдиган кадрлар билан таъминлаш принциплал аҳамиятга эга масалалар.

Бу борада Президентимизнинг 2006 йил 17 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш, судьялар захирасини шакллантириш, номзодларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш асосларини янада демократлаштириш, судьялар корпуси барқарорлигини таъминлаш, судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил қилишни тубдан ўзгартиришнинг янги тартиб ва қондаларини белгилаб берди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

Кафолатли ҳимоя у амалда аниқ самара бермоқда

Маълумки, адлия идоралари томонидан жойларда қонун ижросини ўрганишга, тадбиркорлар ва фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тақдимномалар киритиш йўли билан ёки суд тартибда тўлиқ тиклашга, қонунбузилишда айбдор саналган мансабдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ ундириб берилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буни тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан шу йилнинг ўтган тўққиз ойида тегишли идораларга 470 та тақдимнома, 877 та оғоҳнома ва 126 та кўрсатма киритилганлигидан ҳам билиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур маъруза ушбу анжуманда ва нуфузли халқаро доираларда кенг эътирофга сазовор бўлди. Мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунийлик ва ижтимоий адолатни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини таъминлаш, суд ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган қонунларни амалиётга татбиқ этишдан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш доимий эътиборда. Бу йўналишда қабул қилинаётган Пленум қарорларида суд, тергов органлари ва бошқа вако-

латли идораларга амалдаги қонунларни тўғри татбиқ этиш ҳақида тегишли тушунтиришлар берилмоқда. Бу ягона суд амалиётини шакллантиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизда қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Пленумда «Номусга тегиш ва жинсий эътиҳонга қарши ҳар бир инсоннинг ҳақдорлиги» қарор лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур ҳужжатда инсоннинг жинсий эркинлигига оид ҳуқуқларнинг ҳимоясини самарали таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур қарор ушбу масалага доир қонун мезоҳларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан аниқ ва бехато қўллаш билан бирга ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади.

Пленумда қўриб чиқилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.
Н. АБДУРАИМОВА



Maslahat

Тураржой ҳужжати

у қандай ҳолатда ҳақиқий эмас, деб топилди?

Уй-жой кодексининг 46-моддасига асосан, фуқаролар томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлик тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тақдим этилганда, бошқа фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳужжат (ордер) да қўрсатилган тураржойга бўлган ҳуқуқлари бузилганда, тураржой бериш тўғрисидаги масалани ҳал этишда мансабдор шахслар томонидан ғайриқонуний ҳаракатлар содир қилинганда, шунингдек, тураржой бериш тар-

тиби ва шартларининг бошқача бузилишларига йўл қўйилган ҳолларда муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонднинг уйларидаги тураржойга берилган ҳужжат (ордер) суд тартибда ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин.

Ҳужжат (ордер)ни ҳақиқий эмас, деб топилш тўғрисидаги талаб ҳужжат (ордер) берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида қўзғатилиши мумкин.

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар

у қандай тартибда ундирилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда бир ҳаётий мисолга эътибор қаратсак, М.Ҳасанова ҳам ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат этади. Маълум бўлишича, М.Ҳасанова сув олиш учун кетаётганда челаги томоркани суғорди ва келини С. Ҳамидовага тегиб кетди. Шундан С. Ҳамидова бошқилиш қилиш ўрнига: «Йўл кенг, халакат қилмай ўтиб кетсангиз бўлмайди!» — дея жанжал чикариб, қўлидаги белурак билан М.Ҳасанованинг бошига туширди.

роҳати етказилгани, муайян муддат шифокор муолажасини олганлиги, доридармон учун сарф-харажат қилгани аниқланди.

Олий суд Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қароридан белгиланган раҳбарий кўрсатмаларга ҳамда Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси талабларига амал қилган суд барча эътиборга молик ҳолатларни инобатга олган ҳолда жавобгардан даъвогар фойдасига етказилган маънавий ва моддий зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ҳа, ҳаётда ўзаро муносабатлар баъзида чигаллашиб кетиши ҳеч гап эмас. Юқоридаги ҳолатда ҳам битта ўринсиз ҳаракат натижасида бир инсоннинг саломатлигига путур етган. Фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутувчи қонунчилигимизда бундай ҳолда жабрланувчига етказилган зарарнинг қоплашини белгиланган. Ана шу асослар туфайли ундирилган моддий ва маънавий зарар ҳуқуқи бузилган бир инсон манфаати учун хизмат қилди. Аслида бу мезон адолат, инсонийлик тамойилларга мос бўлиб, барча фуқаролар манфаатига хизмат қилади.

Наргиза ХАЛИЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

2010-yil — Barkamol avlod yili

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу билан бирга қонунда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар билан якка тартибдаги профилактика ишлари олиб бориш асослари ва тартиби, вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш асослари ҳам белгиланган.

Қонуннинг ижроси болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси самарасини янада оширишга, ўсимлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлашга, ота-оналар ҳамда вазирларнинг қўллаб-қувватлаш ҳимояси билан келаётган авлод учун масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Жорий йил май ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳам болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирлар самардорлигини янада оширишга қаратилган. Зеро, бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги мураккаб ва таҳликалий замонда миллий ўзгиримиз, азаллий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хуржурлар, ёшларимизнинг онги ва калбини эгаллашга қаратилган гаразли интилишлар тобора кучайиб бораётган. Бунда замонавий ахборот технологиялари, ҳусусан, интернетдан фойдаланилаётгани сир эмас. Шуларни ҳисобга олиб, вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрни-

Ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси доимий эътиборда

ни босувчи шахснинг қузатувисиз интернет-кафедрларда, кўнгил очиб ёки дам олиш жойларида бўлишига йўл қўймасликка оид мезоҳ белгиланди.

Мазкур қонунга биноан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 188-модда билан тўлдирилди. Унда ресторанлар, кафедрлар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоқидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиб (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасининг бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз қайд этилган муассасаларда бўлишига йўл қўйилганлиги учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараварига қадар жарима жазосига тортиш белгиланди. Ушбу мезоҳ айни пайтда ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) зиммасига ҳам тегишли масъулият юклайди.

Қонунда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга доир мезоҳлар ҳам акс эттирилди. Қонуннинг 19-моддасига қўра, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш идоралари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар ваколат доирасида вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясига қатнашадиган, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қўмақ беради.

Қонун қабул қилинганидан буйинча жойларда маҳаллий ҳокимликлар,

солик, ички ишлар ҳамда бошқа му-тасадди идоралар масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектларининг раҳбарлари ҳамда ота-оналар ишти-рокида йиғилишлар ўтказилиб, ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти кенг ту-шунтирилди.

Вояга етмаганларнинг бўш вақтлари-ни мазмунли ўтказиши, ёшларнинг бандлиги, ижтимоий ҳимояси каби масалалар бўйича ҳам проку-ратура идоралари томонидан сал-моқли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, вояга етмаганлар ва ёшлари-мизнинг бўш вақтини унумли таш-кил этиш, шу даврда уларни фойда-ли ишларга йўналтириш қўллаб му-аммолар ечимига йўл очади. Шу мақ-садда «Куч — билим ва тафаккурда» тўғараклар кўрсатмасини ташкил этиш аҳангага айланган. Ҳозирги кун-да республикамизда мактабдан таш-қари 563 таълим муассасаси ташкил этилган бўлиб, уларда турли тиллар-ни ўрганиш, хунар сирларини эгал-лаш, техникавий ижодкорлик билан шуғулланиш каби соҳаларга оид оз-лаб тўғараклар 550 миң нафарга яқин ўқувчини қамраб олган. Уч юздан зиёд мусиқа ва санъат мактабидан қир-қ миңдан зиёд фарзандларимиз тах-сил олмоқда. Тўрт юздан зиёд бола-лар ва ўсимлар спорт мактабларига 270 миңдан зиёд болалар жалб этил-ган. Бундан ташқари ҳар бир умум-таълим мактабида фаолият курсата-ётган турли фан тўғаракларида ўқув-чилар ўз билимларини ошириш бил-ан бирга, мактабда ва маҳалларда ташкил этилган спорт секциялари-да саломатликларини мустаҳкам-ламоқда.

Ёшларимизнинг бандлигини таъ-минлаш масаласи ҳам доимий эъти-борда. Жорий йилда мамлакатимиз бўйича миңдан зиёд бўш иш ўрин-лари ярмаркаси ташкил этилиб, уларда 250 миң нафардан зиёд ёшларимиз иштирок этди, 180 миң-га яқин муносиб иш жойларига эга бўлиш учун йўлланма олди. Жумла-дан, Жиззах вилояти прокуратураси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ташаббуси билан ўтказил-ган меҳнат ярмаркасида икки миң нафарга яқин касб-хунар колле-жи битирувчиси ишга йўлланма олди. Тадбирда ҳам таъминланган оилаларда тарбияланаётган 70 нафар қизга бепул тикув машиналари тақ-дим этилди. Тадбиркорлик билан шу-ғулланишга бел боғлаган 81 нафар йигит ва қизга бир миллион сўмдан ўн йил муддатга имтиёзли микрокре-дит ажратилди. Бундай хайрли иш-лар юртимизнинг барча ҳудудларида изчил йўлга қўйилгани ёшлар ман-фаатларига хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиз-да ҳар бир фарзанд меҳр ва эътибор-да. Уларнинг бахту қамоли учун қили-наётган эзгу ишлар оилалар, жамия-тимиз фаровонлигининг муҳим оми-ли бўлаётган. Ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етаётгани, ҳар томонлама етуқ ёшларимиз сафи кенгаётгани эса ёрۇм истиқболли-миздан дарақдир.

Зафарбек ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори

Qonun ko'magi

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Булунгур туманидаги «Мадад» фермер ҳўжалиги раҳбари М.Аҳмадовнинг «Микрокредитбанк» Булунгур филиали томонидан лизинг шартномаси асосида «МТЗ-80» трактори сотиб олиш учун кредит маблағи ажратиш тўғрисидаги ариза ва вақтда қўриб чиқилмаётгани ва фермер ҳўжалиги ҳисоб рақамидagi маблағ унинг розилигисиз бошқа ҳўжалик юри-тувчи субъектларга ўтказиб юборилаётгани ҳақидаги аризаси вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам, фермер ҳўжалиги раҳбари М.Аҳмадов шу йилнинг 3 май куни банк муассасасига расман ариза ва тегишли ҳужжатларни тақдим этган. Бироқ банк томонидан кредит маблағи ажратиш масаласи илҳоби ҳал этилганлиги ёки рад қилинганлиги тўғрисида унга ҳабар берилмаган. Шундан сўнг тадбиркор шу йилнинг 21 июни куни қайта ариза билан мурожаат қилган бўлса-да, бунга ҳам тегишли жавоб ололмаган. Бу ҳол Адлия вазирли-гидa 2000 йил 2 мартда 906-сон билан рўйхатда олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларидa кредит ҳўжатларини юришти тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари бузилишига йўл қўйилганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари фермер ҳўжалиги раҳбарининг розилигисиз туман «МТП» томонидан 2009 йилнинг 14 декабрида қўйилган механизация хизматлари учун 1 миллион 116 миң сўм ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси тўловчи вақили, яъни фермер ҳўжалиги раҳбарига белгиланган уч кун муддатда эълон қилинмасдан, солиш-тирма далолатнома мавжуд

Кафолатли ҳимоя

у амалда аниқ самара бермоқда

бўлмаса-да, банк томонидан фермер ҳўжалигининг ҳисоб рақамидан 380 миң сўм маблағ асосан равишда ўтказиб берилган.

Юқорида баён этилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиали бошқарувчиси номига тақдимнома киритилди. Кўрилган таъсир чоралари натижасида «Микрокредитбанк»нинг Булунгур филиали бош мутахассиси Ф.Маматов ва транш бўлими бошлиғи Ш.Абдусатторовга нисбатан филиал бошқарувчисининг буйруғи билан Меҳнат кодексининг 181-моддаси 2-қисмига асосан жарима жазоси қўлланилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони-нинг 1-бандига қўра, тадбир-корлик субъектларига нисба-тан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали қўлланилади. Бироқ Ургант туманидаги «Икромжон МММ» хусусий корхонасига қарашли 2-сон-ли савдо дўконидa туман дав-лат солиқ инспекцияси хо-димлари томонидан ўтказил-ган қисқа муддатли текши-ришдан сўнг ана шу тартиб бузилган.

Гап шундаки, туман ДСИ томонидан хусусий фирмага Солик кодексининг 114-мод-даси 1-қисми ва 119-модда-си 1-қисмига асосан шу йил-нинг 4 февралда солинган жаримани ундириш бўйича фирманинг банкдаги ҳисоб рақамига ноқонуний равишда

инкасса топшириқномаси қўйилган. Хусусий корхона раҳбари М.Қурбоновнинг аризасини ўрганиш жараёни-да юқоридаги ноқонуний ҳаракатлар аён бўлди. Шу боис адлия бошқармаси то-монидан туман ДСИ бошлиғи номига «Икромжон МММ» хусусий корхонасининг ТИФ «Миллий банк» Ургант фили-лидаги ҳисоб рақамига қўйил-ган 2 миллион 899 миң 18 сўмлик инкасса топшириқно-маси ижросини тўхтатиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Йўл қўйилган қонун-бузилишлар бартафоз этилди.

Давлатимиз томонидан қишлоқ ҳўжалигини иқтисодий ислохотларни амалга оширишда шартнома муноса-батларини тартибга солишга ҳам алоҳида эътибор берил-моқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш-да шартнома муносабатла-рини такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарили-

ши учун томонларнинг жа-вобгарлигини ошириш чо-ра-тадбирлари тўғриси-да»ги қарорининг 3-банди-да туман қишлоқ ва сув ҳўжа-лиги бўлими ходимлари шартномаларнинг ўзи вақтида рўйхатдан ўтказилиши, шу-нингдек, қишлоқ ҳўжалиги то-вар ишлаб чиқарувчилар билан тузилган шартномалар-нинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари то-монидан бажарилишининг доимий мониторингинг олиб борилиши учун шахсан жа-вобгарлиги белгиланган.

Ушбу қарорнинг 4-банди-да Адлия вазирлиги ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан «Қишлоқ ҳўжалиги мах-сулотлари етиштирувчи-лар билан тайёрлов, хиз-мат кўрсатиш ташкилотла-ри ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шу-нингдек, уларнинг бажари-лиши мониторингинг олиб бориш тартиби тўғриси-

да»ги Низом талабларига қатъий риоз этилиши устидан зарур даражада назорат ўрна-тиши белгиланган. Адлия идоралари ана шу талаблар-дан келиб чиқиб, фаолият юритмоқда.

Нарпай туманидаги «Шов-қи Маматов Бахт» фермер ҳўжалиги раҳбари Ш.Маматов кўрсатилган техника хиз-матлари учун «Зирабулоқ пахта заводи» АЖдан вужудга келган қарздорлигини унди-ришда амалий ёрдам бериши сўраб мурожаат қилган. Унинг мурожаати ўрганиб чи-қилганда аризада кўрсатилган вақтар тасдиқланди. Шу йил-нинг 6 апрелида вилоят ад-лия бошқармаси томонидан фермер ҳўжалиги манфаати-ни қўлаб, кўрсатилган тех-ника хизматлари учун акция-дорлик жамияти ҳисобидан 12 миллион 118 миң 186 сўм асосий қарз ва 6 миллион 53 миң 93 сўм пеня ундириш тўғрисида вилоят ҳўжалик су-дида даъво аризаси киритил-ди. Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан «Зира-булоқ пахта заводи» АЖ ҳисо-бидан фермер ҳўжалиги фойдасига 12 миллион 118 миң 186 сўм асосий қарз ва 3 миллион 26 миң 93 сўм пеня ундирилди.

Хулоса ўрнида шунч айтиш керакки, овоз ва обод, ўз тақ-диришни ўз қўли билан яра-таётган, фуқароларига ҳеч қандам кам бўлмаган муносиб турмуш тарзи барпо этилаёт-ган мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни изчил чу-қурлаштириб боришда, мулк-дорлар, тадбиркорлар, иш-билармонларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳи-моя қилишда яратилган ана шу имкониятлар ўз самараси-ни бермоқда.

Абдуҳамид ТАМИҚАЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Qilmish-qidirmish

Қут-барака қалити

ўрнатилмаган тарнов учун ҳам 97,77 миң ёзади.

Нафси ҳалакат отиб кетган А.Зо-хидов бу билан ҳам қаноатланмай, гипскартондан парда девор ўрна-тиш ишлари харажатларига 42,64 миң сўм, шифт юзларини пардоз-лаш ишларини амалга ошириш хара-жатларига 147,2 миң сўм, шу-нингдек, деворларни оқлашга, таш-ки деворларни ва деразаларни бўй-аш учун кетган харажатларга 770,37 сўм қўшиб ёзишдан виждо-ни қийналмайди.

Шундан сўнг мактабнинг иккин-чи ўқув биносида таъмирлаш иш-лари бошланади. Қарангли, А.Зо-хидов ҳам ўзининг «иш»ни бош-лайди ва юқоридаги усулда жами 5736,69 миң сўм қўшимча маблағ

ёзиб ҳисоботга киритади. Албатта, бундай сохтакорликдан сўнг таъмирланган мактабнинг аҳоли у қадар яхши бўлмаглиги аниқ. Шу боис А.Зоҳидов таъмир-дан чиққан мактаб биносини топ-ширишда «Ягона буюртмачи хизма-ти» инжиниринг компаниясидаги танишининг «беминнат» кўмағидан фойдаланади.

Биринчи иш муваффақиятли якунланган, Қ.Аноров М.Зоҳидов-нинг бошқа мактабни қайта реконструкция қилиш шартномаси-ни имзолашига ёрдамлашди. Шу тариқа «Нетал қонд» фир-маси Марҳамат туманидаги 47-сон-ли ихтисослаштирилган мактаб би-носини қайта қуриш-таъмирлаш учун шартнома тузишга эришди.

Ҳаёт ҳақиқати шунч тасдиқлайдики, ҳалолат меҳнат қилган киши, албатта, роҳатини кўради. Яъни қут-барака, унум ҳалоликдан келади. Қолаверса, сидқидан меҳнат қилган, онаасини пешона тери эвазига топган маблағ билан боқадиган кишилар эл-юртнинг ҳурматини қозонади.

М.Зоҳидов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам тадбиркорлик-ка қўл уриб, «Нетал қонд» хусусий агрофирмасини ташкил этганда уни кўпчилик қўллаб-қувватлаган эди. Асосий вазифаси қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш бўлган фирма, фаолияти қонун асо-сида йўлга қўйилганда, кўпчиликка наф келтириши аниқ эди. Аммо... Андижон вилояти ҳокимлиги «Яго-на буюртмачи хизмати» инжини-ринг компанияси билан Марҳамат туманидаги 41-мактаб биносини капитал таъмирлаш тўғрисида шарт-нома имзолаган А.Зоҳидов таъ-мирлаш ишларини кечиктирмай

бошлаб юборди. Афсуски, фирманинг қонуний фа-олият юриштиши узоққа чўзилмади. М.Зоҳидов «Ягона буюртмачи хиз-мати» инжиниринг компаниясидаги таниши Қ.Аноров билан ўзаро жи-ноий тил бириктириб, сохта маълу-мотлар тайёрлашга тушди. У авва-лига мактабнинг 1-ўқув биносида шифер материаллари харажатлари маълумотига бажарилмаган иш учун 931,5 миң сўм, дераза ойналари харажатларига 356,0 миң сўм, ёнишга қарши асбоб-ускуналарга 211,68 миң сўм қўшиб ёзиб, сохта маълумот тайёрлайди ва уни ҳисоботга киритади. Ҳатто ҳали

Hikmat

Mulohaza

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

- Хайтдаги энг фойдали нарса ўз тажрибангдир.
- Хар бир довюрак, хар бир ҳақиқатгўй одам Ватанига шон-шараф келтиради.
- Сўз — хулқ-атвор демакдир.
- Харакат ва интилишсиз, фидойилик ва меҳнатсиз ўз-ўзидан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.
- Оққўнғиллик барча бошқа яхши туйғуларни безайди.
- Билим ўқиш билан қўлга киритилувчи туйғудир. Юксак туйғули бўлмаган киши юксалмайди.
- Ҳаққонийлик ҳамма жойда, айниқса, тарбия масаласида энг муҳим омилдир.
- Дўстлик кўпни талаб қилмай, бориға қаноат қилади.
- Соф виждон энг яхши болиждир.
- Фақат билмоқлик учун билиш эмас, балки бирор ишни эплай билиш учун билмоқ лозим.

Бугун замонавий ахборот технологиялари деярли ҳар бир хонадонга кириб келди. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиётгани кино санъатининг, кинопрокат тармоқининг тараққиётини ҳам тезлаштириб юборди.

Энди кинофильмларни фақат кинотеатрда эмас, исталган жойда — уйда телевизорга видео ё DVD плейерларни улаб ёки компьютерга CD дискларини, мобил телефонларнинг флеш карталарини солиб, кўравериш мумкин. Видео дискларни сотадиған, прокатга берадиған, кўчириб ёздиған ҳаваскор видеостудиялар ҳамма жойда бор. Хар ким истаган фильмини кўриши мумкин. Аммо бу шаҳар бедарвоза дегани эмас. Жаҳон маданиятининг ютуқларидан фойдаланишда ҳам халқимизнинг миллий қадриятлари ва ахлоқий меъёрларига пугур етказмаслик даркор. Бу борада қабул қилинған мамлакатимиз қонунларига риоя қилиниши шарт. Мамлакатимизда кино видео маҳсулотлари савдоси ва бу борада хизмат кўрсатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Кино видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида тартибга солинади.

Ушбу меъёрли ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиш, мувофиқлаштириш бўйича Жиззах вилояти давлат солиқ, боғжона бошқармалари ҳамда «Ўзбекино» миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бозорларда, кинопрокат, видеопрокат шохобчалари тармоқларида рейд-текширувлар ўтказилаётди. Ана шундай тадбирлар натижасида гайриқонуний равишда чегаралардан олиб ўтилган умумий қиймати 37 миллион 203 минг сўмдан зиёд 19 минг 788 дона DVD диск, 385 дона видеокассета, 4 минг 701 дона CD диск, умумий баҳоси 1 миллион 530 минг сўмлик 51 дона флеш-карта йўқ қилинди. Лицензияга эга бўлмаган ушбу контрафакт маҳсулотлар инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатуви дахшатли, ахлоқсиз, жангари кинофильмлар, хорижий мусиқа клиплари тўпламларидан иборат эди.

Жиззах вилоятида ҳозирги кунда расман рўйхатга олинған, махсус рўхсатномага эга 4 видеостудия, 14 видеопрокат шохобчаси фаолият кўрсатаётди. Уларнинг репертуарлари, ишланаётгани, нусха кўчирилаётгани, прокатга берилаётгани кино видео маҳсулотлари «Ўзбекино» миллий

Болалар маънавияти

уни шакллантиришда миллий қадриятлар муҳим ўрин тутди



агентлиги вилоят бўлими, солиқ бошқармаси ва бошқа тегишли идоралар томонидан назорат қилиб борилмоқда.

— Вилоятдаги барча кинопрокат муассасаларига мамлакатимизда ва хорижда суратга олинған энг яхши кино маҳсулотларини етказиб беришга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди «Ўзбекино» миллий агентлиги Жиззах вилояти бўлими кинофони дидири Абдувоҳид Хўжаев. — Фондимизда «Ўзбекино» миллий агентлиги буюртмаси билан суратга олинған, маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш учун тавсия этилған кинофильмнинг катта захираси мавжуд. Бундан ташқари болалар ва ўсмирлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бадиий, ҳужжатли, мультипликацион фильмлар ҳам кўп.

Миллий дунёқарашимиз ва маънавиятимизга ёт маҳсулотларни ким нима мақсадда олиб келаётганини аниқ, Уларни сохта ишбилармонлар кўпроқ пул топиш илминда келтириб, кўпайтириб сотиш пайида бўлади. Бу «ишбилармонлар»нинг ақсари ятти сотаётган кино видео маҳсулотларининг гоёси нимадан иборат, нима мақсадда, кимлар учун яратилганини ўйлаб ҳам кўрмайдиган, хатто тадбиркорлик фаолияти учун махсус рўхсатномаси ҳам йўқ кимсалардир.

Шундайлардан бири Жиззах тумани Хайрабод қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Б.Искандаров нархи 95 минг сўм бўлған 95 дона лицензияланмаган, жангари кинофильм ва

хорижий мусиқа клиплари ёзилған контрафакт дискини олиб келаётганда ушланди. Бу кимса ушбу кино ва мусиқий клиплар миллий қадриятларимизга мутлақо зид экани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган, уни фақат чўнтағига тушадиған мўмай пуллар қизиктирган, холос.

Сотиш учун катта миқдорда контрафакт дискини олиб келаётганда боғжона назоратчилари томонидан тўхтатилған Жиззах шаҳрида яшовчи Ж.Раҳмонов, Жиззах туманилик И.Йўлхўшиев ҳам зўравонлик, ахлоқий бузуқлик, енгил-елпи ҳаёт тарзи тасвирланған кино видео маҳсулотларини қанча кўпроқ сотса, шунча кўпроқ даромад қилишни ўйлаган.

Маънавий ҳаётимизга таҳдид солаётган бу тажовузга қарши фақат боғжона, солиқ, ички ишлар идоралари эмас, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида курашиш давр талабидир.

Инсон дунёқарашини турли таққиллар, қолиғга солишлар билан шакллантириб бўлмаслиги аён ҳақиқат. Мурғак болани зарарли машғулотдан қайтариш учун уни бошқа бир, ундан-да қизикарлироқ бўлған машғулотга йўналтириш керак.

— Асосий натижа эса тарбияга, ўқитувчиларнинг, ота-оналарнинг бу иш билан қай даражада жиҳдий шуғулланишига боғлиқ, — дейди Галлаурол сонаот касб-хўнар коллежи психологи Хулқар Худойқуллова. — Ҳозир болаларимизни хар то-

монлама баркамол этиб тарбиялашга, уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга кўмак берадиған кино видео маҳсулотлари кўп. Бироқ бола таққиллашга қарамай, ўзи қизикқан кинофильмини барибир кўришга ҳаракат қилади. Бундай пайтда фильмнинг зарарли жиҳатларини тўғри тушунириб бериш зарур.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш бугун муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёшларнинг интилиш ва қобилиятларини тўғри йўналтириш учун турли ижодий тўғаракларнинг, спорт секцияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш лозим. Айниқса, болалар қалбида китобга, ижодга ҳавас уйғотиш уларни эзгуликка етаклайди.

Жиззах вилоятида аҳолининг 66 фоизини ёшлар ташкил этади. Шунга кўра, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида йигит-қизларни четдан кириб келаётган «оммавий маданият» хуруқларидан асраб-авайлашга қартилған маънавий-маърифий тадбирлар изчиллик касб этаётгани эътирофга лойиқ.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Мобил телефондан, интернетдан фойдаланиш маданиятини биласизми?», «Оммавий маданиятнинг кириб келишига қарши курашиш — қадриятларимизни асрашди» мавзуларида давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ташкил этилаётди. Бундан ташқари мактаб, академик лицей ва касб-хўнар коллежларида бўлиб ўтаётган маънавий-маърифий тадбирларда ўқувчи-ёшларга хориждан кириб келаётган кино видео маҳсулотларига гаразли мақсадлар, хусусан, мусиқа клипларидаги бузғунчиликни, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи лавҳаларнинг зарари тушунирилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар неғизида инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш, навқирон авлоднинг миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни эл-юртига садоқатли, хар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш эзу мақсад муқассамдир. Бу эса ёшларимизнинг «оммавий маданият»нинг хар қандай шаклдаги таҳдидидан асраб-авайлашни, оғоҳликни, ҳушёрликни такозо этади. Фарзандларимизга — келажагимизга бепарқ бўлмайлик!



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиш ўтган сонларда)

Х Х Х

Уч опа-сингил шахматчи Полгарларнинг шахсий ҳаётлари турлича кечади. Катта сингил — Жужа америкаликка турмушга чиқиб, фарзанд кўргач, АКШда яшаб қолади. Ўртанчаси — София Исроил фуқаросига эрга тегиб, Тель-Авивда кўним топади. Ва ниҳоят, кенжа сингил — Юдит ўз юрдоши билан оила қуриб, жонажон шахри Будапештда яшай бошлади. Шунга қарамай жаҳонгашта сингиллар жуда аҳил, биргаликда дунё кезиб, тез-тез учрашиб туришади.

2002 йили Юрасаода ўтказилған блиц-турнирда қизик воқеа юз беради. Унда эр-хотин Софи Полгар — Иона Касашвили ҳам иштирок этаётганди. Ярим финалда Полгар ҳаётда биринчи марта Корчоний ютиб, финалга чиқади. Ҳал қилувчи беллашувда уни... ўз эри қутиб турарди. Ана шунда гроссмейстер Касашвилида андак олиёҳимматлилик етишмади — финалда ўз хотинини ютиб қўйиб, турнир голиби бўлади!

Х Х Х

Ҳиндистонда асрлар давомида шаклланған аънағанга мувофиқ жаҳон чемпиони Виши Ананд хотини Арунани биринчи марта ўз тўйида кўради.

— Ҳиндистонда бу муҳим масала билан ота-оналар шуғулланади, — дейди шахматчи муҳбир билан қилған суҳбатда. — Улар келин ва кўвнинг юлдузи бир-бирига тўғри келиш-келмаслигини аниқлашгунча икки ўртада узок вақт музокара олиб боришади.

— Мабодо сиз тўй пайтида Аруна билан танишгач, бир-бирингизга ёқмай қолсангиз, нима бўларди?

— Бунақаси бўлмайди. Фарзандларига фақат бахт-саодатни раво кўрган ота-оналарнинг янглишиши мумкин эмас.

— У ёқда совчилар ишни бир ёқли қилгунча сиз Испанияда (гроссмейстер бир неча йил Испанияда яшаганди) биронта қизни ёқтириб қолсангиз нима бўларди? — муҳбир тушмагунча яна қистовга олади.

— Йўқ, тақдир пешонамга фақат Арунани ёзган.

— Испан қизлари орасида сизга муносиби топилмасмиди?

— Дунёда Арунадан яхшироқ ким йўқ!

Х Х Х

Машхур инглиз драматурги Бернгард Шоу бир куни улфати билан ресторанга кириди.

— Сизларнинг шарафингизга қандай мусиқа ижро этилишини истайсиз? — деб сўрайди ресторан директори. Мусиқанинг гуруннга ҳалақит беришини билған ёзувчи шундай илтимос қилади:

— Мусиқачиларингизга айтинг, бир қўл шахмат ўйнаб туришин!

Х Х Х

Америкалик машхур ёзувчи Эрнест Хемингуэй уйда турли картиналарни сақлар, ноёб ҳазинасини меҳмонларга кўрсатиб фахрланар эди. Шундай меҳмонлардан бири шахмат ўйини акс эттирилған картина олдида узокроқ туриб қолади.

— Сизга ёқдими? — деб сўрайди меҳмон-қўрар билан.

— Жуда зўр! — дея жавоб қилади меҳмон. — Оқлар фарзинини қурбон қилиб, уч юришда мот қилар экан!

Х Х Х

Ёзувчи, драматург Леонид Зорин ёшлигида шахматга ишқибозлиги тўғрисида жиҳдий панда етган. Бир куни у Севга қиз билан «Сокольников» паркида кетаётган эди. Шахмат клуби ёнидан ўтаётиб бир қўл шахмат ўйнагани келди. Қизни ташқарида қолдиради-да, дарров чиқишга ваъда бериб ичкарига кириб кетади. Аммо ўйинга шу қадар берилиб кетдики, дунёдаги ҳамма нарса, хатто ташқарида қолған севгилисини ҳам унутиб қўйди. Ниҳоят, ўн бешинчи партиани тугатиб ташқарида чиқса, қиз аллақачон кетиб қолған экан. Шундан кейин Зорин бу қизни бошқа кўрмайди. Орадан ўттиз йил ўтгач, ёзувчи бу воқеани «Гроссмейстер» деган сценарийида қаламга олади.

Х Х Х

Британиялик тарихчи Бенкрофтининг фикрича, 18-аср охирида Англиянинг шимолий Америка колонияси ўз мустақиллиги учун оқил борган уршда шахмат деярли халқ қилувчи роль ўйнаган экан. Трентондаги ҳаёт-мамонт жанги арафасида Англия бош кўмондони, генерал Рол берилиб шахмат ўйнаётганида унга Жорж Вашингтон бошчилигидаги кўзголончиларнинг Делавер дарёсини кечиб ўтаётгани тўғрисидаги хабарни етказишади. Уйинга муккасида берилған генерал бунга парво қилмай, муҳим хабар ёзилған қозғон чўнтағига солиб қўйди. Натижада кўзголончилар вақтдан ютиб, жангни ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

— Ана ўша таассуфли воқеа бўлмаганда эди, — дейди тарихчи Бенкрофт, — ҳеч шубҳасиз, тарих бутунлай бошқа йўлдан кетарди.

Jinoyat va jazo

Гиёҳвандлик — аср вабоси

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Дастлаб, Ю.Турдиев 2008 йилнинг август ойида қариндоши Д.Турдиев билан Қирғизистондан олиб ўтилаётган 1 килограмм героин гиёҳвандлик моддасини қабул қилиш ва бу захри қотилини чет элга контрабанда қилиб, А.Севильев исмли корчолонга сотиш, бунинг эвазига 500 АКШ доллари миқдорига ҳақ олишга келишди. Қилаётган ишлари қонунга зидлиги, бунинг устига гиёҳвандлик моддасини инсон умрини барбод қилдиған хавфли восита эканини яхши билишса-да, нафс йўриғига қирған бу кимсалар нопок ниятларидан қайтишмади.

2008 йилнинг сентябрь ойи бошларида айни мақсадда йўлга чиққан Юсуф ва Даврон Турдиевлар республикамизнинг Қирғизистонга тутах ҳудуди — Хўжаобод туманининг Дўстлик қишлоғига етиб боришади. Шу ерда Санжар исмли кимсадан гиёҳвандлик воситасини қабул қилиб, ортага қайтишади.

Албатта, «вазифа» оғир эди. Гиёҳвандлик моддасини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг синчков нигоҳларига сездирай олиб ўтишга ўзларининг қурбон етмаслигини яхши билған Д.Турдиев «кўшимча куч» ёллашга қарор қилади. Шу ниятда улар жиноятга В.Давроновни ҳам жалб этишади.

Буни қарангки, жиноятчилар нопок мақсадларига етиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларини чалғитиш учун тушга кирмай-

диган «усул»ларни ўйлаб топди. Яъни улар аввалига гиёҳвандлик моддасини кичик ўрамларда қадоқлашади. Сўнг Ю.Турдиев ўрамларнинг 30 донасини, В.Давронов эса 45 донасини ичига ютади. Шу тариқа уларнинг ошқозони 600 граммдан ошқироқ хавфли моддани ўз «паноҳ»ига олади.

Буни эшитған хар бир ақли расо киши одам боласи нафс йўлида шундай тубанликка тушиши мумкинми, деб хайратдан ёқа ушлайди. Хуллас, «Тошкент — Симферополь» рейси билан Украинага етиб борған наркочурьерлар Одесса шаҳрида А.Севильев билан учрашишди. Олиб бориған гиёҳвандлик моддасининг ҳақи анчагина йирик маблағ бўлиб, уни чўнтакка солиш ўзларини қолқонга тушириш билан баробар эди. Шу боис нафс бандалари худди савҳатга қайтқандай хотиржам уйга қайтиб келишади. Бу орада эса Д.Турдиев «Капитал-банк»нинг Юнусобод тумани филиалида жойлашған «Вестерн Юнион» бўлими-

дан 9000 АКШ долларини кўртдақ санаб олған эди. Шундан сўнг Д.Турдиев билан Ю.Турдиевга қолған 400 грамм героин гиёҳвандлик моддасини ҳам бирикте қилиш фикри тинчлик бермай қўйди. Бу галги «операция»га В.Давроновга қўшиб, О.Икромов ва Ш.Жураев ҳам жалб этилади. «Москва шаҳридаги ҳамтовокларига гиёҳвандлик воситасини топшириш» вазифаси юкланған О.Икромов билан Ш.Жураев олдинроқ, гиёҳвандлик моддасини етказиши керак бўлған В.Давронов эса кейинроқ самолётга чиқади. 2009 йилнинг 17 январь куни Тошкентга қайтиб келған В.Давронов вазифани кўнгилдагидай адо этгани тўғрисида Ю.Турдиевга «хисобот» беради.

Табиийки, бу «борди-келди»лар беминнат эмас, муайян ҳақ эвазига бажарилаётган эди. Масалан, Одессага боргани учун Д.Турдиевдан Ю.Турдиев 500, В.Давронов 1000 АКШ доллари олади. Халқимизда ёмон кимсаларнинг қилмишлари ҳақида



«Гапирверсанг ойнанинг юзи ҳам хира тортади», деган гал бор. «Қаҳрамон»ларимизнинг қилмишлари ҳам каттагина китобга жой бўлиши аниқ. Зеро, Даврон ва Юсуф Турдиевлар оқорида баён этилған воқеалардан сўнг ҳам кўп марта ноқонуний равишда гиёҳвандлик олди-сотдиси билан шуғулланишган.

Албатта, бу нопок қилмишга уларнинг ўзи бево-сита кўл уришмайди, балки доим «беминнат» кўмакчилар топилади. Масалан, қўшни республикалардан контрабанда йўли билан ўтказилған гиёҳвандлик моддалари худди шундай нафс йўриғига қирған кимсалар орқали Юсуф ва Даврон Турдиевлар қўлига тегадиган эди. Шу тариқа, улар эса, ўз навбатида, уни хориждаги ҳамтовокларига оширад эди. Шу тариқа қўшған жинойи гуруҳининг қинғир фаолияти 2009 йилнинг 20 сентябрига қадар давом этди.

2009 йилнинг 20 сентябрь куни Д.Турдиевнинг

Ю.Турдиев хар галгидек манзилга бехатар бориб келаман, деган ўйда эди, аммо бу гал у ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларининг синчков нигоҳидан қочиб қутулолмаслигини ҳали билмасди...

Тезкор суриштирув-қидирув ишлари натижасида Ю.Турдиевнинг ноқонуний қилмишларига шерик бўлған кимсалар ҳам қўлга олинди. Барча оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олған суд жиноятчиларга қонунга биноан жазо тайинлади.

Инсон ҳамияти ичра тиркидир. У обрў-эътиборни одамлар ўртасида топади, унинг иктидори, салоҳиятини ён-атрофдагилар баҳолайди. Шундай экан, киши билан яна савобли амаллари, инсоний фазилатлари билан йўш қарига бирдай ўрнатилса, нур устига нур. Негаки, яхшиларнинг меҳридан, оқибатидан баҳраманд бўлған инсоннинг ўзи ҳам яхшилик қилгиси, умрини мазмунли ўтказгиси келади. Албатта, умрининг мазмунли меҳр-оқибатда, ҳалоллиги покликда, бир сўз билан айтганда, одамийликда. Инсонга бир марта бериладиган умрини мана шундай ўтказган кишига ҳавас қилса бўлади. Юқорида қора қилмишлари баён этилған кимсаларга эса ҳеч ким ҳавасланмай боқмайди, ҳеч кимнинг улардай бўлгиси келмайди. Аслида одам учун энг оғир ва одил жазо мана шу — назардан қолиш эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз гаэетхон?

Шамсиддин ТОЖИБЕВ, жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг судьяси Отабек САФАРОВ, «Куч — адолатда» мухбири

Куч — адолатда

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Навбатчи муҳаррир

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинған.

Бўритос МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАХМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Муҳаммад АЛИ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ХАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОВЕВ
Шоноури ФОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1. **E-m@il:** kuch-adolatda@mail.ru **Тел.:** 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-1018. Қўғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 5404. 1 2 4 5 Топширилди: 22^ю